

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат


Хар йили “Daewoo Textile” Корхонаси, ишчиларни меҳнати ва Корхона ривожига қўшган улкан хиссаси учун рағбатлантириб келади. Мазкур йилда Корхонанинг 7 нафар энг илғор ходимлари Корхона Президенти томонидан Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш имкониятини қўлга киритишди. Саёҳат аъзолари: **Каричаев Бехзод, Хайдарова Наргиза, Ходжакулова Татьяна, Эргашев Дильмурод, Кулдашев Вахоб, Мадаминов Иззатулла, Зияев Бахтиержон.**

Хафталик саёҳат дастури (2017 йил, 12-19 майгача) Самарқанд, Бухоро, Ҳива, Тошкент шаҳарларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларини ўз ичига олди. Саёҳат энг зўр тур агентликларидан бири бўлган “ANUR TOUR” томонидан ташкил этилди.

Экскурсия Самарқанд шаҳридан бошланди, у ерга бизнинг ходимларимиз Тошкентдан “Шарк” поездида етиб боришди.

Ишчиларимиз, Самарқанд шаҳрида малакали гид ҳамроҳлигида

шаҳарнинг дунёга машхур тарихий мадрасалирини, мақбараларини зиёрат қилишди. Ўрта Осиё халқининг илм ва санъат бобидаги ривожланиш йўллари билан яқиндан танашишди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳридаги мақбарасини зиерат қилишди.



Бизнинг ходимларимиз Самарканддан Бухорога “Афросиёб” поездида етиб боришди. Тарихий Бухоро шаҳрида бизнинг ходимлар икки кун бўлишди, ва ушбу вақт ичида шаҳарнинг барча диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишга, бухороликлар анъаналари, маъданияти билан танишишга, сон саноксиз сувенирлар ва хунармандлар ишларини томоша қилишга улгуришди.

Шу билан биргаликда ишчиларимиз Бухородалик вақтларида «Daewoo Textile» Корхонасига ташриф буюрдилар. Корхона офиси иш жараёни ҳамда йигирув ишлаб чиқариш жараёни билан танишишди.



Ҳива – бу, кўп асрлик, очиқ осмон остидаги тарихий шаҳар. У ерда ишчиларимиз икки кун бўлишди. Саёҳат қатнашчилари сўзларига кўра Ҳива ўзига хослиги ва ноёблиги билан уларни лол қолдирган. Экскурсия чоғида ходимларимиз таркибида 60 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар бўлган Ичан-қалъа («Ички шаҳар») ни, Куна-Арк хон саройини зиёрат қилишди.



Саёҳатнинг барча иштирокчилари Ўзбекитоннинг кўзга кўринган жаҳонга машхур жойларини зиёрат қилиш имкониятини, қолаверса мамлакатимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берган Корхона маъмуриятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Корхона раҳбарияти ўз томонидан ишдаги юқори кўрсаткичлари учун ходимларни рағбатлантириш дастурини ривожлантиришга ҳаракат қилади.